
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Асосий электр энергиясини ишлаб чиқариб, Республикамиз электросистемасига етказиб берувчи “Толимаржон”, “Янги Ангрен” ИЭСларидаги айрим энергоблокларни, ҳамда қўшни Туркменистон Республикасидаги “Мари” ИЭС ва “Сердар” ПС билан боғланган ҳаво электр узатиш тармоғини фавқулодда ўчиши ва қувват танқислиги сабабли вилоятимиз, туманимиз энергосистемасида электр узилишлари рўй бермоқда. Юзага келиши мумкин бўлган аварияларнинг олдини олиш мақсадида халқимизга электр энергияси етказиб беришда вақтинча чекловлар йўлга қўйилди.

Бувайда туман электр таъминоти корхонаси бунинг учун барча истеъмолчилардан узр сўрайди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-02-21 15:49:26